ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 26 (304) 2002 йил 26 июнь, чоршанба. Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган. Сотувда эркин нархда

«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ» КУБОГИНИНГ ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧИДА

«Ҳеч бир соҳа мамлакатни спортчалик дунёга танита олмайди!» деган эдилар Президентимиз.

Бу сўзларнинг мазмуни теран. Негаки, кучли давлатни барпо этиш ва унинг шуҳратини эллар аро ёйиш учун ақлли, бақувват, соғлом ўғил-қизлар зарур. Бу хусусиятларнинг ҳаммаси эса спортда мужассамдир. Шунинг учун ҳам истиқлол йилларида спортнинг аҳамияти янада ортди. Эндиликда спорт бизнинг ҳаётимизга, аниқроғи маҳаллаларимизга, хонадонларимизга кириб келди. Маҳалла болаларини спортнинг барча турларига жалб этиш, хусусан маҳалла футболини кенг йўлга қўйишга эътибор кучайтирилаётир. Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси томонидан анъанага айлантирилган маҳалла болалари футбол мусобақасининг дастлабки босқичи давом этмоқда. Республикамиздаги ҳар битта маҳаллада футбол жамоалари фаолият кўрсатмоқда. Айрим маҳаллаларда эса бир эмас, икки-учта футбол жамоалари тузилган. Маҳалла футболчилари ҳам бир вақтлардагидек кўчада шунчаки тўп сурадиган болалар эмас, аксинча қачондир катта футболга қўшилишни орзу қиладиган, бу учун ўзларида топқирлик, мустақиллик, тезкорлик қобилиятини тарбиялаш зарурлигини тушуниб етадиган ёшлардир. Улар футбол майдонига кираркан, ўзи яшаётган маҳаллани ва она юртини дунёга таништишдек катта мақсадни дилига жо этади. Катта мақсад эса ёруғ манзилларга етакловчидир.

Айни кунларда юртимиздаги барча маҳаллаларнинг футбол жамоалари қизғин синовлар арафасида туришибди. Ёш футболчилар маҳалла шарафини ҳимоя қилиш, туман биринчилигини забт этиш учун катта тайёргарлик билан майдонга киришмоқдалар. Маълумки, тайёргарлик пухта бўлса, мағлубият чекинади. Маҳаллаларнинг футбол жамоалари эришган улкан ютуқлар ҳадемай бизни чексиз қувонтириши шубҳасиз.

«Mahalla» мухбири.

27 июнь - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Аъзамжон ГАДОЙБОЕВ, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, Республика «Маҳалла» жамғармаси бошқарувининг раиси.

МАТБУОТНИНГ ҲАЁТБАХШ КУЧИ

Ҳар бир давр янгиланишлари, қолаверса туб бурилишлари билан ижтимоий ҳаётимизга ўз таъсирини ўтказади. Истиқлол даври нафақат ҳаётимизга, балки онгимиз ва дунёқарашимизга ҳам беқиёс ўзгаришлар олиб кирди. Айниқса маҳалла тизимида азалий, миллий қадриятларимизга таянилган ҳолда буткул янгича йўналиш юзага келди. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи сифатида у эндиликда шахс ва жамият ҳаётига дахлдор бўлган улкан муаммоларни ҳал этиб, кўплаб ташаббуслар кўрсатмоқда, эзгуликларга бош бўлмоқда. Бугунги кунда маҳаллаларнинг ўз кўзгуси - «Mahalla»си бор. Республикамиздаги барча вилоят, шаҳар ва туманларнинг маҳаллалари ҳаётини кенг кўламда ёритаётган, долзарб муаммолар ечимини қидириб топиш баробарида миллий фикр ва ғояларимиз мазмунини дадиллик билан намоён этаётган бу газета эндиликда ҳар бир хонадоннинг яқин ҳамроҳи ва дўстига айланди! Шуни очиқ-ойдин эътироф этиш керакки, «Mahalla» орқали маҳаллалар ўз-ўзини танияпти, ўз ҳаёт тарзига синчковлик ва ҳушёрлик билан боқаяпти, хато ҳамда нуқсонларни тузатиш йўлларини қидираяпти. Шу ўринда газета ўз олдига қўйилган улкан мақсадга анча яқинлашди, дейиш мумкин.

Янги давр маҳалласи чинакам фидойи, ташаббускор ва жонкуяр инсонларни ўз сафига жамлаган қайноқ масканга айланиб бормоқда. Буни ўтган икки ой ичида республика вилоятларига қилган хизмат сафарларим чоғида яққол ҳис этдим. Кишиларимиз маҳаллага ҳаёт кечириш мумкин бўлган шунчаки жой деб эмас, балки маънавият ва маърифат тарбиясининг катта дарсхонаси, демократик тамойилдаги жамият бошқаруви сифатида қарашмоқда. Ўзлари ҳам бу улуғ вазифадан четда қолаётганлари йўқ. Аксинча, маҳалла ҳаётида учраётган ҳар бир муаммони ҳал этмоқликка астойдил кўмаклашаётир. Бу эса инсонлар тақдирининг ўзаро боғлиқлиги, ҳаётий мақсадлар ва ғояларнинг муштараклигидан далолатдир.

Ҳозирги пайтда республиканинг оммавий ахборот воситаларида маҳалла ҳаётига кенг ўрин ажратилаётгани қувонарли. Улардаги бир қанча махсус саҳифаларда доимий рукнлар остида маҳалланинг турмуш тарзига алоқадор воқеа ва ҳодисаларга холис баҳо берилмоқда. Демак, матбуот маҳаллага, маҳалла эса матбуотга бепарво эмас, аксинча ҳар икки томон ўртасида муносабатлар узвийлиги, ҳамкорлиги мавжуд.

Биз ушбу кунда юртимиздаги барча журналистларни, хусусан оммавий ахборот воситаларининг заҳматкаш ходимларини касб байрамлари билан самимий муборакбод этамиз.

3-саҳифада

ДИҚҚАТ: КЎРИК-ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили» Давлат дастурини амалга ошириш мақсадида маҳаллалардаги оталар чойхоналарининг тарихан шаклланган маданий-маърифий, тарбиявий, маънавий озуқа маскани сифатидаги нуфузини ошириш, уларни ҳақиқий тарбия ўчоғига айлантириш, турли соҳалар бўйича, хусусан атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш, касалликларнинг олдини олиш борасида тадбирлар ўтказиш, аҳолининг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, экологик маданиятини ошириш, тафаккури ва маънавий дунёсини кенгайтириш борасидаги тарғибот масканига айлантириш мақсадида «Экосан» халқаро жамғармаси Бошқаруви, Республика «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари Бошқарувлари ҳамда «Ўзтелерадио» компанияси Бошқаруви «Оталар чойхонаси» Республика кўрик-танловини ўтказишга қарор қилди.

Газетамизнинг 2-саҳифасида ушбу кўрик-танлов Низоми эълон қилинмоқда.

МАҲАЛЛАМИЗ ПОЛВОНЛАРИ

Кураш - қадимги спорт турларидан бири. Биз улкан давраларда кураги ерга тегмаган афсонавий паҳлавонлар номларини яхши биламиз, ўзбек миллий курашининг шундай фидойилари билан ғурурланамиз. Мустақиллик даврида миллий курашимиз яна ўз шаклу шамойилига эга бўлди, полвонлар тилида азал-азалдан айтиб келинган сўз ва иборалар қайта тикланди. Эндиликда бу спорт турининг ихлосмандлари қишлоқ ва маҳаллаларда ҳам кўплаб топилади. Улар орасида чинакам ишқибозларни аниқлаш ўзбек миллий кураши сафига кучли ва иқтидорли ёшлар келиб қўшилишига имкон яратади. Шунинг учун ҳам катта курашнинг қуйи тизимларига эътиборни қаратиш зарурияти юзага келди.

Куни кеча Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва республика «Маҳалла» жамғармасининг катта мажлислар залида бўлиб ўтган маҳаллалардаги кураш ишқибозлари ўртасида ўзбек кураши бўйича «Маҳалламиз полвонлари» Республика турнири мусобақаларини ўтказишни ташкил қилиш масалаларига бағишланган йиғилиш ҳам ёш авлоднинг жисмонан бақувват, мустаҳкам иродали, ҳар томонлама етук бўлишига шароит яратиш, ўзбек миллий курашини маҳаллаларда кенг тарғиб этиш, беллашув давомида паҳлавонларни аниқлаш, маҳаллалар паҳлавонлари ва хорижий мамлакатларда шу спорт тури билан шуғулланувчилар ўртасида ҳамдўстлик алоқаларини ўрнатиш сингари муҳим масалаларга бағишланди.

Ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, республика Ички ишлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси ҳамкорликда ўтказилаётган ушбу турнир мусобақаларимиз ўзбек миллий курашининг ҳақиқий фидойиларини кашф этиши табиий, - деди Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси бошқарувининг раиси А.Гадойбоев ўз нутқида. - Бу турнирнинг асосий мақсади - курашимизни янада ривожлантириш, ўзбек кураши бўйича шуъбалар, клублар ташкил этиш, маҳаллалардаги ёшлар ўртасида миллий кураш бўйича жаҳон чемпионлари етишиб чиқишига замин яратишдир.

Халқаро Кураш Ассоциацияси Президентининг Бош маслаҳатчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов «Азалий қадриятимиз бўлган ҳалоллик, бағрикенглик, инсонпарварлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган ўзбек курашининг ҳозирги кундаги ўрни ҳақида»ги маърузасида шундай сўзларни алоҳида таъкидлади: - Кураш ҳам аслида бир санъат, у инсонда мардлик, довюраклик ва тантилик хусусиятларини шакллантиради. Халқаро Кураш институти ректори Д.Қўлдошева ўз сўзида «Ўзбек кураши бўйича «Маҳалламиз паҳлавонлари» республика турнирини ўтказиш юзасидан Низом ва ташкилий қўмита таркибини тасдиқлаш ҳақида» гапирди. Маъруза ва нутқлар қизғин муҳокама ва баҳслар, таклиф ва мунозараларга уланиб кетди.

Шундай қилиб, кураш маҳаллаларимизга кенг ёйилиб боради. Бу мусобақанинг дастлабки босқичи маҳаллаларда бўлиб ўтади, сўнг туман (шаҳар); ҚҚР, вилоят, Тошкент шаҳрида Республика ғолиблари аниқланади.

Г.ЖАМИЛОВА.

Тадбир

АГЕНТ УЧУН ВЕЛОСИПЕД

ФАРҒОНА. Вилоятнинг туман ҳамда шаҳарларидаги маҳаллаларда ички муаммоларни ҳал этиш борасида янги имкониятлар ишга солинмоқда.

Вилоят Оқсоқоллар кенгаши «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Толибжон Ҳафизовнинг таъкидлашича, барча турдаги коммунал тўловларни йиғиш учун махсус агентлар тайинланиб, йиғилган маблағнинг маҳаллага ажратиладиган қисмидан маълум фойизи уларга маош сифатида ажратиляпти. Эндиликда хизмат жараёнига янгиликлар киритиш мақсадида агентларнинг ҳар бирини қулай улов - велосипедлар билан таъминлаш йўлга қўйилиши арафасида.

Мухбиримиз.

«ОШ»НИНГ ВАҚТИ-СОАТИ

Халқимиз қадимдан тўйсевар халқ, бунга тўйларимизнинг турларини санашнинг ўзиданоқ ишонч ҳосил қилиш мумкин. Яна биз «Ҳаммани тўйга етказсин», «Топганинг тўйга буюрсин» дея дуо қиламиз.

Тўйлардан ташқари вафот этганлар руҳига бағишланган маросимлар - етти, йигирма, қирқ, йил оши ва ҳар хил ёдномалар ўтказилади.

Юқорида саналган маросимларнинг кўпчилигида ош (палов) тайёрланади ва бу ошлар кўпинча (айниқса Тошкент шаҳрида) эрта тонгда ўтказилади. Аввало тиббиёт ходимлари томонидан ҳеч қачон эрталабдан ошдек калорияси кучли овқат истеъмол қилишликни тавсия этилмайди, чунки инсон организми эрталабдан бундай кучли овқатни ҳазм қилишда қийналиши табиий.

Эрталаб тонгда оиладан бир киши ошга отланса, у хоҳлайдими йўқми бутун оиланинг оромини бузади. Масалан, у чироқ ёқади, ювинади ва ҳоказо. Ошга борган киши ошдан кейин нима қилиши керак: ишга борай деса ҳали 2-3 соат вақт бор, уйга бориб уйқуни давом эттирай деса қорин тўқ, энди ухлай олмайди. Тонгги уйқудан қолган кишининг эса кун бўйи қиладиган меҳнати ҳам унчалик самарали чиқмайди. Ҳатто бундай ошларни бугунги кунда иш куни бўлмаган шанба, якшанба кунлари ҳам наҳорда ўтказиш анъанага айланиб қолган.

Кўп қаватли уйда яшовчи Ҳожи ака деган ажойиб инсон яшарди (жойи жаннатда бўлсин). У маҳалламиз ёки қўшни маҳаллалардагиларни эрталабки ошга эринмай бир-бир уйғотиб чиқарди. У киши ҳар бир қўшнининг эшигига бориб қўнғироқни тинимсиз босиб тураверарди, чиқмай кўрчи. Ҳаммани бошлаб, ўзи сафнинг олдида сегарет тутатиб кетаверарди. Агар вақтида чиқмасанг, уйдагиларнинг барчаси тинимсиз чалинган қўнғироқ садосидан уйғонарди, фарзандларим унда ёш йиғлаб уйғониб кетарди. Кейинчалик Ҳожи ака зинадан кўтарилишини сезган заҳоти эшикни очиб, «Ҳожи ака, ҳозир, тушяпман» дердим.

Эрталабки ошнинг яна бир ноқулай жиҳати - ошга тайёргарлик кўрган хонадон, хизматчилар ошпазнинг ёнида тун бўйи мутлақо ухлашмайди.

Ҳаёт тадбирларимизда ислоҳ

Кўп қаватли уйларда уларнинг тун сукунатидаги ғанғурғунғири, машиналар шовқини, азондан қўйилган музика бошқаларнинг ҳаловатига путур етказиши табиий.

Ош бераётган хонадон эгаларининг эса кун бўйи яна қанча ташвиши бор, уйқусизлик таъсир этиб кундузги югур-югурда улар бирон-бир кишининг ёки қариндошининг, уй-ичининг кўнглини қолдириб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас, чунки инсон асаблари темирдан эмас.

Баъзан узоқда яшовчи қариндош ҳам, яқин қўшни ҳам бир кунда ошга айтади. Маҳалладаги ошга чиқмаса қўшниларидан уялади, қариндошиникига бориш учун 2-3 транспортга ўтириши керак, улгурармикан, такси олай деса чўнтакнинг чўғи паст.

Халқимизнинг эрта уйғониш, айниқса оталарнинг ҳаракатга келишдек яхши одати бор, айниқса кексаларимиз бу борада ёшларга ибрат. Лекин эрта туриб ҳаракатга келиш, ишга киришиш дегани бу ош ейиш дегани эмаску.

Ўзбек халқи бағри кенг халқ, ошларга айтилмаган киши борса ҳам унинг кўкрагидан ҳеч ким «кет» деб итармайди. Шу билан халқимиз ориятли халқ, айтилмаган жойга бормайди. Лекин айрим ҳолларда бир киши таклиф этилган оиладан бир неча кишининг ошга боришини ҳам оқлаб бўлмайди.

Маҳалла оқсоқоллари бундай маросимлардаги исрофгарчилик ҳаддан ошиб четга чиқиб кетишларни назорат қилиш билан бирга айниқса йилнинг ёзнинг қисқа тунли кунларида ўтказиладиган эрталабки маросимлар ҳақида ўйлаб кўришса ёмон бўлмасди. Албатта бунда мутассадди ташкилотлар, кенг жамоатчиликнинг ҳам фикрини инобатга олган маъқул. Ойлаб, йиллаб пул йиғиб яхши ният билан элга дастурхон ёзаётган ҳамюртларимиз учун қулай шароит яратиш билан бирга, ана шу маросимларнинг қулай вақтини белгилашнинг ҳам вақти етганга ўхшайди.

Нормўмин ОЧИЛ, журналист.

Шу сонимиз

3-саҳифасида

* Беллашув навбати оталар чойхоналарига!
* Ҳашар ҳаммага ярашади, айниқса, бахмалликларга.
* Қиёмат қарз ярим асрдан сўнг қайтди...

3-саҳифасида

* Фазилатлари ҳам, байрамлари ҳам қўшалоқ адиб.
* Байрам сабабчиларига байрам ҳазиллари.

4-саҳифасида

* Ўзи зерикмайдиган, бошқаларни ҳам зериктирмайдиган шарҳловчи.
* Мунажжим таъбирини албатта ўқинг, аммо билганингиздан қолманг.

MAHALLA

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар: Масъул котиб: 136-53-75 Хатлар бўлими: 136-53-75 Қабулхона — 136-53-93. Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

КАДИМИЙ УДУМ ФАЗИЛАТИ. МАҲАЛЛА МАДАДИ ТУФАЙЛИ ЖИНОЯТЛАР КАМАЙДИ. ДИҚҚАТ: КЎРИК-ТАНЛОВ!

ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

Эллик қалъа туманидаги Навоий овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги Дўстлик аҳоли яшаш пунктида хайрли ишга қўл урилди.

Овул фуқаролар йиғини оқсоқоли ва маслаҳатчилари ташаббуси билан бу ерда 150 ўринли мактаб қурилиши бошланди. Бу бинони бунёд этиш ишлари фақат ҳашар йўли билан амалга оширилади.

Тозабоғ ва Амирободовулларида ҳам худди шундай мактабларни ҳашар йўли билан қуриш бошланди. Мазкур ўқув масканлари мамлакат мустақиллигининг ўн бир йиллиги юбилейида фойдаланишга топширилади.

Асилбек ИСКАНДАРОВ, «Mahalla» мухбири.

Тадбир

«БОЛАЛАР МАҲАЛЛАСИ» УЧУН СОВҒАЛАР

«Бола кулса, олам қувонар!»

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги қўшимча таълим мажмуасида уюштирилган болалар байрами худди шу ном билан аталди. Аслида, бу мажмуа томонидан амалга оширилаётган ибратли ишлар кўлами анча кенг ва довруқли. Касб-ҳунарга ўргатилаётган болалар орасида иқтидорлилари анчагина. Улар кейинги йилларда юртимизда ва хорижий мамлакатларда ўтказилаётган халқаро кўриктанловлардан соврин билан қайтишмоқда. Мажмуа қошидаги каттагина музейда эса ҳунарманд болалар ўз қўллари билан яратган наққошлик, каштачилик, меъморлик, зардўзлик, тасвирий санъат бўйича иш намуналари мавжуд. Ўтган йилларда болаларнинг аксарияти «Зукко авлод» шаҳар фестивалининг лауреатлари бўлишди.

- Тумандаги кўплаб маҳаллалардан 5 мингга яқин бола бу ерга қатнаб, турли клуб ва тўгаракларда касб-ҳунар ўрганишади, - дейди мажмуа директори Г.Абдураззоқова. - Бундан ташқари, беш юзга яқин ногирон болаларни ҳам ўз қимоямизга олганмиз...

Ўз мухбиримиз.

Маматқул ҚАРШИБОЕВ, Бахмал тумани ҳокими

БАХМАЛЛИКЛАР ҲАШАРНИ СЕВАДИ

Ҳашар кишиларнинг бошини қовуштириб аҳил ва тотув яшашга, сидқидилдан меҳнат қилишга ундайдиган азалий одат саналади. Ариқлар қазиш, йўл ва кўприклар қуриш, ободонлаштириш ишларини бажаришдагина эмас, балки ёшларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда ҳам ҳашарнинг ҳиссаси катта бўлаяпти.

Бугунги кунда маҳалла фаоллари ташаббусни қўлга олиб, ҳудудларда режадаги ишларни ҳашар йўли билан бажаришга салмоқли ҳисса қўшаяптилар. Мен Жиззах вилоятининг Бахмал туманида бўлганимда туман ҳокими Маматқул Қаршибоев билан суҳбатлашдим. Ҳоким «Ҳашар - бахмалликларга ҳам ярашади!» деган гапни айтди ва суҳбатни давом эттирди:

- Айни вақтда туманда 11 та маҳалла фуқаролар йиғинларимиз оқсоқолларининг саъй-ҳаракатлари билан туманимизда кенг қамровли ишлар бажарилмоқда. Усмон ота, Боғимозор ота, Новқа ота сингари зиёратгоҳларни таъмирлашда ҳашардан фойдаландик. Ташландиқ бўлиб қолган қадамжолар асл ҳолига келтирилди. Замонавий бинолар, мажмуалар, майдонлар, гузарлар барпо этиб, касб-ҳунар коллежининг атрофини тартибга келтириш, «Мотамсаро она» мажмуасини муддатидан илгари фойдаланишга топширишда бахмалликларнинг ҳашар йўли билан амалга оширган ишлари таҳсинга сазовордир. Келин-куёвлар никоҳ маросимидан сўнг бу ерни зиёрат этиб, ҳайкал пойига гуллар қўйишади. Шу йилги Хотира ва Қадрлаш кунида очилган хотира майдони ҳам ҳашар йўли билан барпо этилди. Бу хиёбонда Мустақил республикамизнинг чегараларини террорчилардан ҳимоя қилишда ҳалок бўлган ўғлонларимизнинг хотираси адабийлаштирилди. Бахмалнинг рамзий дарвозаси ҳам кўпчилик кучи билан қурилганини айтиб ўтиш жоиз. Бу дарвозада туманнинг рамзий манзараси акс этган. Фуқароларимиз «биз бу дарвозани ҳашар йўли билан қурдик» деб фахрланадилар. Бахмални қўшни туманлар билан боғловчи йўллар атрофларини ободонлаштириш, мустақиллик шиорлари битилган панноларни ўрнатиш, дарахт ва гул кўчатлари ўтқазиш, спорт иншоотлари, гузарлар қуриш, маданий-маиший биноларни бунёд этиш ишлари ҳам маҳалла фаолларининг ташаббускорлиги асосида амалга оширилди.

Галдаги режаларимиз эса янада улкан. Маълумки, ҳар бир бунёдкорлик иши ўзимиз яшаётган маконнинг янада обод бўлишига ҳисса бўлиб қўшилади. Шундай экан, эзгу юмушдан ҳеч биримиз четда қолмаслигимиз керак. Кейинги йилларда ҳашар йўли билан катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилиб, Бахмал чиройига чирой қўшилди. Муҳтарам Президентимизнинг «Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак» деган сўзлари бу ерликларнинг доимий шиорига айланиб қолган.

Суҳбатни «Mahalla» мухбири Пардабой ТОЖИБОЕВ ёзиб олди.

Олам тўрт

ҚАРИЙБ ЯРИМ АСР ЎТИБ

Сан-Франциscoлик полиция ходими почтальон келтирган бандероль ва ундаги хатни ўқиб чиқиб ҳайратга тушди.

Бунинг боиси бор эди, албатта. Чунки бу нарсалар бундан қирқ олти йил илгари вафот қилган бобосига тегишли бўлиб, уларни жўнатган киши илова қилинган хатида нима сабабдан бу нарсалар кечикиб жўнатилаётганлигини ҳам тушунтириб берган эди. Маълум бўлишича, унинг бобоси телефон будкасида қолдирган нарсаларини бир киши топиб олади ва уни полиция бўлимига топширмоқчи бўлиб кетаётганида ҳалокатга учрайди. Шу туфайли бу нарсалар ўз вақтида эгасига етказилмай қолиб кетади. Яқинда у ўз архивини титаётиб ўша нарсаларни кўриб қолади ва шунча вақт ўтган бўлса ҳам у ерда кўрсатилган адресга бу нарсаларни жўнатишга қарор қилади.

... Бандероль ичида бобосига тегишли ҳайдовчилик гувоҳномаси, кредит карточкаси ва олтмиш долларга ёзилган чекни кўриб у ҳаяжонини боса олмади.

ҚЎРҚҚАНГА ҚЎША КЎРИНАР

Воронеж шаҳрида содир этилган бу ўғрилик милиция ходимларини лол қолдирди.

Чақирув бўйича бу ерга дарҳол етиб келган тезкор бўлим ходимлари ўта мураккаб шифрли хориж қулфини моҳирлик билан очиб кирган ўғрининг ҳеч нарсани олмай, чиқиб кетганлиги ажаблантирди. Ўғрини нима учун ҳеч нарсага тегмади экан? Бу саволга уйга кирган босқинчининг ўзи терговчининг олдига ўз хоҳиши билан кириб келганида маълум бўлди. У бундан олдинги қилган ҳамма ўғриликларини ва бу гал амалга ошира олмаган ишини ҳаммасини бўйнига олди. Ўғрининг бу галги иши амалга ошмай қолишига хонадаги авлиёнинг сурати сабабчи бўлган экан. Воқеа бундай кечган. Эшикни очиб уйга кирган ўғри қўлига илинган ҳамма қимматбаҳо нарсаларни чемоданга жойлашга киришганида, кимдир унга қараб тургандек туюлади. Ўгирилиб қарасаки, суратдаги авлиё кўрсаткич бармоғи билан уч марта «хап саними» дегандек ишора қилди. Шунда ўғри ўз-ўзига «Серёжа энди тамом ўғриликка чек қўймасанг бўлмайди» деб ваъда берган экан...

Қашқадарё

ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИ ТАЪМИРЛАНМОҚДА

Эргаш Қурбонов номли маҳалладаги таянч пункти биноси таъмирдан чиқарилиб, яп-янгидек бўлди.

Бу таянч пунктини ташкил этиш, ишини жонлантириш ва шу йўл билан маҳалла ёшлари ўртасида ҳуқуқий тарбияни кучайтириб, жиноятчилик содир этилишининг олдини олишга эришилмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғининининг раиси Абдиназар Болтаев, туман ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Қаҳрамон Шаропов, профилактика инспектори милиция майори Собир Бўриевларнинг саъй-ҳаракатлари билан таянч пункти зарур жиҳозлар билан таъминланиб, телефонлаштирилди.

- Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳамкорлиги туфайли қисқа вақт ичида 9 та таянч пункти таъмирдан чиқарилди, - дейди Қаҳрамон Шаропов. - Бўстон, Гулшан, Меҳнатобод қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудида жойлашган милиция таянч пунктлари иши ҳам намунали йўлга қўйилган. Бу эса туманда жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг камайишига имкон яратмоқда.

Саъдулла ЎЛЖАЕВ. «Маҳалла» хайрия жамғармаси Ғузор тумани бўлинмасининг раиси.

Бухоро шаҳри Файзулла Хўжаев туманидаги Ширбудин қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ахтам Исоев (ўртада) ва маҳалла оқсоқоллари йиғин олдида турган навбатдаги вазифалар хусусида кенгашмоқдалар.
Ҳ.ҚУРБОНОВ олган сурат.

Қонун ва ёшлар

Адҳамжон КОДИРҚУЛОВ, Сирдарё вилояти Сирдарё тумани прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.

МАҲАЛЛА КЎМАГИ МУҲИМ

Ёшлар тарбияси бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири саналади. Чунки, ўсмир ёшдагилар қизиққон, турли ҳаю ҳавасларга ўч ва тажрибасиздирлар. Уларнинг ёшларидаги ҳар қандай қалтис уринишлар тузатиб бўлмас хатоларга олиб келиши мумкин. Агар биз сергак бўлмас эканмиз, ўсмирлар ҳаёти ва келажаги хавф остида қолади. «Ўзингни, ўз уйингни асра!» деган даъват эндиликда жуда кенг мазмунга эга, яъни ҳар бир инсон, айниқса ўсмир ножоиз ҳаракатлардан ҳамда нобоп даврлар таъсиридан ўзини асрамоғи лозим. Кейинги йилларда юз бераётган жиноий ҳаракатларнинг сабабларини ўрганишимиз давомида шу нарса маълум бўлдики, аксарият ҳолларда бемақсад, ишсиз, ҳатто уйда назоратсиз қолдирилган болалар жиноятга қўл урмоқда. Биз айни шундай воқеа-ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида маҳаллалар оқсоқоллари билан ўзаро ҳамкорликда иш юритяпмиз. Негаки, маҳаллаларда кўпни кўрган, ҳаёт аччиқ-чучугини бошидан ўтказган кексалар анчагина. Улар бир оғиз ўгити ё маслаҳати билан гоҳида катта бир хатонинг олдини олишга улгурадилар. Ҳафтанинг бир куни «Ёшлар куни» деб белгиланди. Бу кунда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, тадбиркор ва фермерлар маҳаллаларда яшайдиган ёшлар билан учрашиб суҳбатлашишади. Шу учрашув чоғида ёшлар «Усташогирд» анъанасига мувофиқ турли иш ўринларига таклиф этиладилар. Бундай учрашув ва мулоқотлар ижобий самаралар бермоқда. Кейинги пайтда маҳаллаларда ишсиз юрган ёшлар ҳунар ўрганишга киришдилар. Бундан ташқари туманимиздаги 44 та умумтаълим мактабларининг 24 мингдан зиёд ўқувчиларини тарбиялаш ишларига бош-қош бўлишда маҳаллалар оқсоқоллари, милиция таянч пунктлари нозирлари билан ҳамжиҳатликда иш олиб бораяпмиз. Мактаб ва маҳаллаларда болаларни ҳунар ўрганишга жалб этиш, уларнинг спорт билан шуғулланишларига етарлича шарт-шароитлар яратиш сингари юмушлар аввалдан белгиланган режага кўра амалга ошириляпти.

Гап шундаки, маҳалла, мактаб ва оила биргаликда иш юритсагина ижобий самараларга эришиш мумкин бўлади. Акс ҳолда бола тарбиясини мактаб ихтиёрига ташлаб қўйган ота-оналар охир-оқибат хато қилганликларини тушуниб етадилар. Ўтган йиллар ичида туманда 76 нафар шундай оилаларнинг вояга етмаган фарзандлари жиноят кўчасига кириб қолдилар. 35 нафар оила эса ҳамон ҳисобимизда, қатъий назорат остида турибди. Тарбия ўта мураккаб вазифа, у биргина оиланинг эмас, балки маҳалла ва мактабларнинг ҳам зиммасидадир. Шундай экан, ҳеч вақт ёшлар тарбиясига бефарқ бўлмаслигимиз лозим. Бу ўринда маҳалла оқсоқолларининг кучига, маслаҳатига таяниб иш кўраверамиз.

ЭЛ ТИНЧЛИГИ ЖОНКУЯРЛАРИ

...Тунги соат 2 лар чамаси. Избоскан тумани Ботиробод қишлоғи кўчаларини тунги навбатчиликда назорат қилиб юрган маҳалла посбонлари Муҳаммад Жамолдинов, Нодирбек Абдуллаев, Отабек Исақовлар тижорат дўкони олдида ивирсиб юрган икки нафар шахснинг шубҳали ҳаракатидан ҳушёр тортиб улар олдига яқинлашдилар.

Воқеа аён бўлди. Қора кўланкалар - Тўрткўл қишлоғида яшовчи Достон Маматқулов ва Муҳаммад Каримовлар Кимсанбой Ҳакимовга тегишли дўконга ўғирликка тушишганда посбонларнинг зийраклиги туфайли шум ниятларини амалга оширолмай оёғи куйган товуқдек типирчилаб қолишди. Улар қўлга олиниб ўғирланган нарсалар эгасига қайтарилди. Ўғрилар қилмишига яраша жазоланди.

Гузар маҳалласида яшовчи Ғуломжон Жалоловнинг уйидан бош новвосини тунда ўғирлаб ҳайвонни илдамлик билан етаклаб кетаётган Аброр Шокировни профилактик хизмати бош нозири Азимжон Ахмедов, посбонлар Отабек Исақов, Одилжон Деҳқоновлар йўлда тўхтатиб, молни эгасига, жиноятчини эса қонун ихтиёрига топширдилар.

Профилактика нозири А.Ахмедов беш йилдан бери Шерматобод ва Янгиқишлоқ маҳаллалари аҳли хизматида. Унинг жонкуярлиги, маҳалла фуқаролар йиғинлари посбонлари билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйгани туфайли унинг ишлари тумандагина эмас, вилоятда ҳам ўрнак қилиб кўрсатилмоқда. А.Аҳмедов яқинда хизмат кўрсатган профилактика нозири деган фахрий унвонга тақдим этилди.

- Азимжон тиниб-тинчимас йигит, - дейди Шерматобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Т.Тожихонов, - унинг саъй-ҳаракати билан оилавий жанжаллар, турли қонунбузарликлар кескин камайди. Ҳар душанба куни мунтазам равишда қишлоқ фуқаролар йиғинида маҳалла фуқаролар йиғини раислари, маҳалла оқсоқоллари ва бошқа тегишли шахслар иштирокида қонунбузарликни олдини олишга доир йиғилиш ўтказиб тегишли чоралар кўриб борилмоқда.

Адаҳамжон ОМОНБОЕВ. Андижон вилояти Избоскан тумани Янгизамон қишлоқ фуқаролар йиғини Бўстон маҳалласи.

«Оталар чойхонаси» Республика кўрик-танловининг НИЗОМИ

Кўрик-танлов мақсади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 24 январдаги «Қарияларни қадрлаш йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 30-сонли қарорининг 1,7- бандига биноан маҳаллалардаги оталар чойхоналарининг тарихан шаклланган маданий-маърифий, тарбиявий, маънавий озиқ олиш маскани сифатидаги нуфузини ошириш, уларни ҳақиқий тарбия ўчоғига ва тарғибот масканига айлантириш, турли соҳалар, хусусан атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш, касалликларнинг олдини олиш борасида тадбирлар ўтказиш, аҳолини ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, экологик маданиятини ошириш сингарилар кўзда тутилади.

Кўрик-танлов шартлари

1. Кўрик-танлов 2002 йил июл ойидан бошлаб ўтказилади.

2. Кўрик-танлов Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла», «Нуроний» ва «Экосан» жамғармаларининг жойлардаги бўлинмалари, ҳокимликлар ҳамда вилоят телерадиокомпанияси ҳамкорлигида тузилган комиссиялар томонидан ташкил қилинади.

3. Кўрик-танловда қатнашиш учун маҳалла кенгашлари «Оталар чойхонаси» тўғрисида маълумотномани туман (шаҳар) комиссиясига тақдим этадилар.

Маълумотнома қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

* Оталар чойхонаси ҳақида умумий тушунча (қачон ташкил этилган, неча ўринли, хизмат кўрсатиш қандай ташкил қилинган ва ҳ.к);

* Оталар чойхонасига ташриф буюрувчи қариялар ҳақида ахборот ҳамда бу жойда яратилган шарт-шароитлар;

* Оталар чойхонасининг санитар-экологик ҳолати;

* Замонавий коммунал хизматлари билан таъминланганлиги (сув, газ, канализация ва бошқалар);

* Чойхона ҳудудининг ободонлаштирилганлиги;

* «Оталар чойхонаси»да маънавият бурчаги, «Экосан» (экология ва саломатлик) бурчаги, яъни атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш бурчаги (шу мавзуларга бағишланган рисолалар, буклетлар, фотолавҳалар, плакат ва бошқалар)нинг мавжудлиги;

* Она заминни асраб-авайлаш борасидаги халқимизга хос асрий анъаналарга риоя қилиш, оилаларда тинчлик ва тотувлик ўрнатиш ва ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида кексалар фаоллигини оширишда Оталар чойхонасининг ўрни;

* Маҳалла аҳли, айниқса ёшларни жалб қилган ҳолда атроф-муҳитни покиза сақлаш ва табиий бойликларни асраб-авайлаш борасида турли тадбирлар ташкил қилиш;

* Тарбияси оғир бўлган ёшлар (безорилик, гиёҳвандлик билан шуғулланувчи, наша чекиб, спиртли ичимлик истеъмол қилувчилар) орасида, қариялар иштирокида соҳа мутахассисларини таклиф қилган ҳолда давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил қилиш;

* Чойхонада «Наврўз» байрами, Халқ хашарлари, Экология ва саломатлик кунлари ҳамда бошқа миллий тадбирларнинг ташкил қилиниши;

* Чойхона ҳудудини кўкаламзорлаштириш, ариқ ва бошқа сув ҳавзаларини тозалаш ҳамда ободонлаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар;

* Сув, электр-энергияси, табиий газ ва бошқа табиий заҳиралардан тежаб-тергаб фойдаланиш хусусида соҳа мутахассислари, эколог олимлар, меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ташкил қилиш;

* Кўрик-танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари жойлардаги комиссиялар томонидан аниқланиб, ғолиблар ҳақида маълумотномалар билан бирга фото ва видеолавҳалар жорий йилнинг 20 ноябрига қадар кўрик-танловни ўтказиш бўйича Республика комиссиясига (700000, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз кўчаси, 1, «Экосан» Халқаро жамғармаси) юборилиши лозим.

Кўрик-танловни ўтказиш ва ғолибларни аниқлаш тартиби

Кўрик-танлов Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги «Экосан», «Маҳалла», «Нуроний» жамғармаларининг жойлардаги бўлимлари ҳамда вилоят телерадиокомпанияларидан иборат комиссиялар томонидан оталар чойхоналари ўртасида июл ойидан ноябр ойининг биринчи декадасигача ташкил қилинади. Бунда туман ва шаҳарларда мазкур комиссиялар томонидан ишчи гуруҳлар ташкил этилади ва улар кўрик-танловда қатнашувчи маҳаллаларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатадилар.

Кўрик-танлов босқичлари

Кўрик-танлов 3 босқичда ўтказилади:

1-босқич туман (шаҳар) комиссиялари томонидан 1 июлдан 1 сентябргача маҳаллалар орасида ўтказилиб, ҳар бир туман (шаҳар)дан биттадан ғолиб аниқланади ва унинг ҳужжатлари комиссия баённомаси ва ғолибнинг ҳужжатлари, тегишли қўшимча қарор билан бирга вилоят босқичига тақдим этилади.

2- босқич Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссиялари томонидан 1 сентябрдан 1 октябргача туман (шаҳар)лараро ўтказилиб, ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ғолиблар аниқланади ва уларнинг ҳужжатлари комиссия Баённомаси ва ғолибнинг ҳужжатлари, тегишли қўшимча қарор билан бирга Республика босқичига тақдим этилади.

3 - (якуний) босқич Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри комиссиялари томонидан тақдим этилган номзодларни Республика комиссияси ўз йиғилишида кўриб чиқиб, Республикада 1-,2- ва 3- ўринларга сазовор бўлган «Оталар чойхона»ларини аниқлайди ва «Экосан» Халқаро жамғармаси, «Маҳалла ва «Нуроний» жамғармалари бошқарувлари ҳамда «Ўзтелерадио» компанияси тасдиғига киритади.

Кўрик-танлов ғолибларини рағбатлантириш

1. «Оталар чойхонаси» Республика кўрик-танлови якуний босқичида 1-,2-,3-ўринларни эгаллаган ғолиблар «Экосан», «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари ҳамда «Ўзтелерадио» компаниясининг Дипломатлари ва эсдалик совринлари билан тақдирланадилар.

2. Якуний - Республика босқичида иштирок этган, лекин танловда фахрий ўринларни эгаллай олмаган «Оталар чойхонаси» жамоалари ҳам кўрик-танлов ташкилотчиларининг Фахрий Ёрлиқлари ва эсдалик совринлари билан тақдирланадилар.

27 июнь - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

МАҲАЛЛА «ДИПЛОМАТИ»

ЁКИ АДИБ, ЖОНКУЯР ЖУРНАЛИСТ, ЖАМОАТ АРБОБИ РАСУЛ РАҲМОНОВНИНГ 70 ЁШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН УНИНГ ҲАЁТИГА ДЎСТОНА ЧИЗГИЛАР

Расул Раҳмонов ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда кўнгли очиқ, ажойиб инсон, истеъдодли қалам соҳибини кўз олдимизга келтирамиз. Унинг ҳаёти ва фаолиятини иккига бўлиш мумкин. Бири ёзган мақолалари, публицистикалари, очерк ва китоблари орқали юзага чиққан ижодий фаолияти бўлса, иккинчиси тиниб-тинчимас жамоатчилиги, ташкилотчи ва раҳбарлигидир.

Тошкент вилоятидан сўнгги чора-тадбирлар тўғрисида туман ижроқўмининг жамоатчи муовини Расул Раҳмонов сайловчилар билан суҳбатлашмоқда. 1966 йил.

Расул Раҳмонов оддий мухбирликдан иш бошлаб Сиддиқ Ражабов, Ҳожакбар Ғуломов, Шароф Рашидов, Зиёд Есенбоев, Иброҳим Раҳимов, Мақсуд Қориевлар изидан бориб, ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетаси Бош муҳаррири даражасигача етган иқтидорли ижодкордир.

Ўз давринининг етук ижодкорларидан бўлган Холбек Ёдгоров, Раҳмат Файзий, Нўъмон Ғуломов, Тўлаган Соатов, Ҳабиб Нўъмон, Аҳмад Шораҳмедов, Бобош Маҳмудов, Наби Юсупов каби журналистлар Расул Раҳмонов ва унинг ҳамкасблари Рустам Раҳмонов, Муҳиддин Жалолов, Воси Маҳкамов, Илҳом Фозиловларни бизнинг умидли ўринбосаларимиз деб мағрурланишарди.

У ёшлигиданоқ Шайхонтоҳур тумани Ачаобод маҳалласи жамоаси бошқарувининг раиси эди. Энг қизиғи ва аҳамиятли томони шундаки, ушбу маҳаллада кўпчилик лўлилар истиқомат қилишиб, улар билан тил топишиш унча-мунча одамнинг қўлидан келмасди. Дўстлари Расул Раҳмоновга ҳазиллашиб, уни бу ишнинг уддасидан чиқа олган ҳақиқий маҳалла «дипломати» дейишарди. Бунинг устига маҳалладаги эски уйлар ўрнига янги замонавий биноларнинг қад кўтаришида ҳам Ака Расулнинг хизматлари беқиёсдир.

Биз ҳақиқий қадрдон дўст бўлганимиз учун бир-биримиз билан ҳазил-ҳузулни канда қилмаймиз. Баъзан Ака Расул деб қўйишимга ҳам унинг ўша даврда маҳалла ҳаётидаги фаоллиги сабаб бўлган. Ёдимда 1964 йилда Расул Раҳмонов билан бўлиб ўтган қизиқ бир воқеани дўстлар ва ҳамкасблар даврасида тез-тез эслаб турамиз. Ўшанда мен эндигина «Шарқ» нашриёти директори муовинлиги вазифасига тайинланган эдим. Ўша катта даврада Расул Раҳмонов ҳазиломузлик билан менга Ислом ака, юқори лавозим қандай бўлар экан, «катталар» қай тарзда дам олиб, мириқиб овқатланишаркан, йиғинларда ўзларини қандай тутишаркан, деб тегажоғлик қилишини қўймасди. Камина Расул Раҳмоновга мен ўша-ўшаман, юриш-туришимда ҳеч қандай ғайри-табиий ўзгариш бўлаётгани йўқ деб ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтарардим. Лекин у бу тегажоғлигини қўймасди.

1964 йили Мевазор маҳалласида бизнинг боғда бўлиб ўтган бир суҳбатга гувоҳ бўлдиму, менга ҳам Расул Раҳмоновнинг ғашига тегиш учун баҳона топилдиқолди. Раҳматли дўстимиз, қизиқчи, таниқли фельетончи Воси Маҳкамов синглисининг ўғил тўйида мен ижодкор ҳамкасбларимга ҳозиргина «тандирдан узилган» ҳажвий ҳикоямни айтиб бердим:

«Кўчада шошиб кетаётган ачаободлик ака Ҳосил қўлидаги газетани шеригига кўрсатиб шундай дебди:

- Эшитдингми, Восилвой, Москвадаги раҳбарлар ўртасида катта ўзгариш юз берибди. Хрушчевнинг «ковушини тўғирлашибди?».

- Э-э, бўлса бўлар. Москов билан менинг нима ишим бор. Бизлар учун энг муҳими ака Расул омон бўлсалар бас! Акамиз бардам бўлсалар эшак аравамизга ҳам, дўкончаларимизга ҳам ҳеч ким қўл тегиза олмайди, - дебди Восилвой, гердайиб».

Йиғилган меҳмонлар бу аскияни эшитишиб қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборишди.

Расул Раҳмонов ҳақида ҳали «теша тегмаган» яна бир янги ҳангома бор: Бир ачаободлик лўлига 9 қаватли уйнинг иккинчи қаватидан жой ажратишибди. Уйдагиларни кўчириб, ҳовлидаги эшагини иккинчи қаватдаги балконга олиб чиқиб боғлаб қўйибди. Одамлар ундан нега эшагингни бу ерга боғлаб қўйдинг, дейишса «Эски уйим бузилганда бу «дом»ни менга ака Расул олиб берганлар, у кишига мен олдинги уйимда отхонам бор эди, бу квартирангизга кўчмайман десам Расул ака: янги уйнинг айвончаси бор, ўшандан фойдаланавер деганлар».

Тўғриси, баъзи бир ачаободликларни вайрона уйидан «дом»га кўчириш учун Расул Раҳмонов ана шундай «усул»лардан ҳам фойдаланишга мажбур эди.

Аслида, икки ачаободликнинг юқоридаги суҳбати Расул аканинг ишбилармонлиги, одамийлигини ифодалаб туради, холос. Аммо мен Расул Раҳмонов маҳалладошларининг бу соддалигини ҳазилга йўйиб, унга бўлган тегажоғликни аланга олдиргандим. Расул Раҳмон сариқ одамлардан бўлганлиги учунми жаҳли тез чиқиб, бирпасда асабийлашарди. Бу сафар ҳам шундай бўлиб, мен тўқиган сатирик воқеани инкор этишга уриниб кўрди. Мен унга бу материаллар билан маҳалла аҳолиси йиғинида шахсан Расул Раҳмоновнинг ўзи таништирганлигини исботлаб бергач, у менга қараб: «Ислом ака, мендан битта зиёфат, фақат қитмир журналистларга бу аскияни етказмасангиз, тағин улар менга «Ака Расул» деб янги тахаллус қўйиб юришмасин» деб илтимос қилди. Зиёфатнинг бўлган-бўлмаганлигини эслай олмайману, лекин бу гапнинг анча вақтгача сирлигича қолгани рост.

1992 йил 27 июнда Расул Раҳмоновнинг 60 йиллик юбилейи муносабати билан нашриёт мажлислар залида йиғилиш бўлиб ўтди. «Ўзбекистон овози»да ўша куни халқимизнинг севимли ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг юбилярга бағишланган «Ака Расул омон-ми?» деган мақоласи чоп этилиб, унда илгари бўлиб ўтган воқеалар дўстона ҳазил тариқасида ҳикоя қилинганди.

Мен юбилей йиғинида сўзни нимадан бошлашни билмай, газетани ўқиб тургандим, ўша мақола баҳона мавзу топилганига хурсанд бўлиб кетдим. Мажлисда ўзим ўйлаганимдек табрик сўзини биринчи бўлиб каминага беришди. Мен минбардан туриб, тўсатдан, укам Ўткиржон, биласиз мен сизни жуда ҳурмат қиламан, қадрлайман, сиз халқимиз севган иқтидорли севимли, ёзувчисиз, аммо мени кечирасиз-у, бугунги мақолангизда бир оз «плагиат»ликка йўл қўйибсиз. Ахир, «Ака Расул омонми?» ижодий тўқимасининг муаллифи камина бўладилар, буни залдагилар жуда яхши билишади, дедим. Ўткир Ҳошимов ўрнидан туриб «Ие, Ислом ака, бу ёғи қандоқ бўлди?» деб ҳазилҳомуз тан олди. Президиумда ўтирган Расул Раҳмон ҳам бошини силкиб, Ислом Шомуродович, тўғри айтяптилар, тахаллуснинг ижодкори у киши бўладилар деганда, залдагилар роса кулишганди.

Энди, ҳазилни қўйиб, жиддийроқ гапирадиган бўлсак, мен Расул Раҳмоновни «Қизил Ўзбекистон»га келган кунидан бери танийман. Дўстим газетчиликнинг ҳамма пиллапояларидан моҳирлик билан ўтиб, газетанинг Бош муҳаррири лавозимида ишлаётганида ҳам кўпгина савобли ишларни амалга оширди. Газетанинг ўқимишлилиги, сифати ошиб, унинг муштарийларининг сони кўпайди. Газетанинг мазмуни, ҳозиржавоблиги ошиши билан бирга, унинг техник ижро ва бадиий безакларига ҳам алоҳида эътибор бериладиган бўлди. Газета саҳифаларидан хорижда яшаб ижод қилаётган ҳамкасбларимиз асарларига ҳам ўрин берилиб, уларнинг ҳаёти, ижоди ҳақидаги мақолалар ҳам чоп этила бошланди. Бош муҳаррирнинг соғлом фикрлаши, узоқни кўра олиши, газета саҳифаларида ўқувчилар билан қизиқарли мулоқотлар ўтказишларидек савобли ишлари унинг ҳақиқий ижодкорлик характеридан далолат бериб турарди. У киши газетага муҳаррирлик қилган пайтлари газета мустақиллик даврига мос равишда - «Ўзбекистон овози» деб номланганди.

Бугунги кунда Расул Раҳмонов пенсияда бўлишига қарамай «Mahalla» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари сифатида маҳорат билан меҳнат қилиб, бу жамоадаги ижодий ходимлар, ёш қаламкашларга устоз бўлиб, улар билан профессионал тарзда ҳамкорлик қилиб, ижод нашидасини сурмоқдалар. Расул Раҳмонов «Маҳалла» жамғармаси ишида иштирок этиб, ўзининг мазмунли ҳаётий маслаҳатларини аямай келаётган устозлардан бири ҳисобланади. У 40 йилдан ортиқ Ачаобод маҳалласи кенгашининг раиси бўлиб келди. Унинг бой, мазмунли тажрибаси ёшларни замон талаби руҳида тарбиялашда, ўсмирларга зарур ҳаётий тушунчалар мазмунини очиб беришда, армиямиз сафини кенгайтираётган йигитларни Ватанимизнинг соф фарзандлари этиб вояга етказишда жуда асқотмоқда.

Кутлов

Ҳамкасблар
Расул Раҳмонов ва Ислом Шоғуломов. 1964 йил.

Ўтган қирқ йил мобайнида Расул Раҳмонов тарбиялаб вояга етказган шогирдлар бугунги кунда Ўзбекистон нашр этилаётган газета, журнал таҳририятларида нашриётларда ва радио, телестудияларда ҳам бирдай маҳорат билан ишлаб, ёш авлодга устозлик қилиб келишмоқда. Биз ижодкорлар эса бу тиниб-тинчимас инсонни «Жамоатчилик ишлари бўйича ҳақиқий доктор» деб ҳисоблаймиз. Сабаби, лўлилар макон тутган Ачаободда қирқ йил раис бўлиб ишлаш учун балким ҳақиқий дипломат ҳам бўлиш шартдир.

Биз, Расул Раҳмоновнинг дўстлари, унинг сабр-тоқатига, фидойилигига, одамгарчилигига, меҳрибонлигига сидқидилдан тан бериб, дўстимизни касб байрамимиз - Матбуот ва оммавий ахборот ходимлари куни, шу куни нишонланаётган 70 ёшлик тўйлари билан чин дилдан, юрагимиздан муборакбод этамиз. Ака Расул, сира қариманг, доимо омон бўлинг, отдек чопқиллаб юраверинг, чарчаш нималигини билмай ижод этаверинг, деймиз!

Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

«MAHALLA»МИЗ ЖОНКУЯРЛАРИГА БАЙРАМ ҲАЗИЛЛАРИ

Кимдир ҳазил-мутойибага «суяги йўқ», кимдир ўта босиқ, «тоши оғирроқ». Лекин ҳаётимизда шундай кунлар бўладики, бу кунда айтилган ҳар қандай тагдор сўзни, илмоқдор тилакни ҳам ҳазил ўрнида «ҳазм» қилишга мажбур бўламиз. Қуйидаги кишиларнинг олдида катта салобат қуршовида турамиз аслида. Лекин бугун байрам баҳонасида салобатдан бироз халос бўлдик шекилли, ҳар холда байрам табриги баҳонасида бироз ҳазил-мутойиба қилишга журъат этдик.

Оқсоқол-ижодкор
Омон МУТАЛОВга

Оқ соқолли оқсоқол,
Ўзингиз кўп доносиз.
Биздан ўтдими «хато»,
Бу томон камнамосиз.

Байрам баҳона қилиб,
Келмайсизми, Муталов?
Кўпам хижолат бўлмай,
Келаверинг «йўталиб»...

* * *

Мусаввир
Абдурасул ҲАКИМОВга

Кўнгилдаги дардларни,
Муаммо, иллатларни,
Билиб юрган ўзингиз
Боплаб чизган ўзингиз.

Ғайратингиз сўнмасин,
Қаламингиз синмасин.
«Mahalla»га ўзингиз,
Зўр мусаввир бўлингиз!

* * *

Муаллифимиз
Рашид БОЙТУЛЛАЕВга

Тарихдан ер кавлаб
ёзиб ҳикоя
Тунни тонгга улар
Рашид Бойтулла.
Муҳаррирлар ҳазилкаш,
сўрайди баъзан,
Бу гал топганингиз
«кумуш-ми, тилла?»

* * *

Футбол шарҳловчиси
Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВга

Репортажни бошлар экан
Мирзаҳаким
Кечикмайин дея ундан
шошар ҳар ким
Телевизор қаршисидан
кетмас нари
Чунки футболсевар
элнинг бари.

* * *

Мухбиримиз
Омон ШУКУРга

Сурхон бўйлаб
кезар мухбир
Унинг исми —
Омон Шукур.
Рекламалар бўлса,
ҳай-ҳай,
Йўлига ҳам
қилар шукур.

* * *

Навоийшунос олим
Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВга

Навоий уммонидан
топиб жавоҳир
Муродига етди
устоз Абдуқодир
Шоирнинг даҳосин
яна юксакка
Устоз-ла шогирдлар
элтмоққа қодир.

* * *

Мухбиримиз
Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВга

Маҳалла-ё, оилалар
ҳақида ёзиб
Сира тиним билмас
Қурбон Эгамберди.
«Ижодга барака,
умрга умр»
Ҳамкасблар ортиқча
яна не дерди...

БИЗГА ЗИЁ УЛАШАДИЛАР...

Матбуот ва оммавий ахборот воситаларисиз ҳаётимизни тасаввур этиш қийин. Телевидение, радио, газета-журналлар... Улар турмушимизга жуда чуқур сингиб кетган. Ҳар бир касбнинг ўзига яраша заҳмати бор, албатта. Телевизор томоша қилганда, радио тинглаганда, газета журнал варақлаб ҳордиқ чиқарганимизда ёки бирор зарур маълумот олганимизда уларнинг орқасида минглаб иқтидорли инсонларнинг, ўз ишининг усталарининг меҳнатлари ётганини ҳаммамиз билиб, англаб турамиз. Шахсан мен маҳалладаги фаолиятимда фойдаланиш учун ҳам, турмушда қўллаш учун ҳам «Mahalla» газетасидан кўп ибратли мулоҳазаларини топаман. Оилаларимизга, фарзандларимиз онгига зиё-нур олиб кира оладиган нашр деб ҳисоблайман бу газетани. Маҳалламиз аҳли, айниқса аёлларимиз бу газетани қўлма-қўл қилиб ўқийдилар. Айнан тизимимиз нашрининг шундай обрўси борлигидан маҳалла тизими ходими сифатида ҳам фахрланиб юраман. Янгиобод маҳалласи аҳли номидан севимли газетамиз таҳририяти ходимларини, жонкуярларини касб байрамлари билан табриклайман, ишларига ривож тилайман. Юртимиздаги барча оммавий ахборот воситалари ва матбуот ходимларига ҳам айёмлари муборак бўлсин!

Муҳаббат РАҲИМОВА,
Ҳамза тумани Янгиобод маҳалла фуқаролар йиғини раиси муовини, хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси.

«MAHALLA»СЕВАР МАҲАЛЛАЛАРИМИЗ

Шаҳримизда жами 13 нафар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бор. Албатта уларнинг оқсоқоллари, хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари раислари, посбонлари билан яқин ҳамкорликда ишлаймиз. Яқинда режадаги йиғилишларимиздан бирида кун тартибига «Mahalla» газетасига йилнинг иккинчи ярми учун обуна бўлиш масаласи қўйилди. Маҳаллаларнинг оқсоқоллари бир овоздан обуна бўлишларини билдирдилар. Бу албатта қувонарли ҳол. Шу ўринда бизда бир фикр туғилди. «Mahalla» газетасининг тизим ва унинг ходимлари фаолияти учун ҳар жиҳатдан фойдаси ва зарурати бор экан, унга йил бошиданоқ тўлиқ бир йилга обуна бўлган қулайроқ эмасми? Муҳими, бу фикрни ҳам оқсоқолларимиз қўллаб-қувватладилар. Демак, келаси йилда шаҳримиз маҳаллалари тўлиқ бир йилга обуна бўладилар.

З.ЖЎРАЕВА,
Навоий вилояти Зарафшон шаҳар ҳокими ўринбосари.

Газетани саҳифалаб, чоп этишга тайёрлайдиган кунимиз - сешанба. Бу куни ҳаммамиз чақ-қонроқ бўлиб қоламиз, салом-аликни қисқа, савол-жавобни лўнда қиламиз. Эрталабдан биринчи қўнғироқ албатта Сурхондарёдан бўлади. Телефон жиринглаши биланоқ бирвараkайига «Омон Шукуров» деб қўямиз.

Шуниси аниққи, Омон ака Сурхондарё вилояти бўйича мухбирликка ишга олинганларидан буён бу анъана асло канда бўлмаган.

- Биздан нима кетяпти? - сўрайди Омон ака. Яъни ўзлари уюштирган реклама-тижорат мақолаларидан биронтаси газета саҳифасига қўйилган-қўйилмаганини билмоқчи бўлади у киши.

Саҳифада «Омон Шукуров» деган имзоли мақола бор бўлса хўп-хўп, йўқ бўлса... Йўқ бўлса, бор қиламиз-қўямиз. Омон аканинг қон босими ҳам ўзларидек «чаққон»гина, салга юқорига чиқиб олади. Шунинг олдини олиб турамиз-да!

Омон акага балли! Ҳаммамизга маълум, тижорат, реклама деган нарсалар иқтисодий аҳволимизга сезиларли таъсир эта бошлаганига анча бўлди. Омон ака тенги йўқ тижоратчи-мухбир, ҳисобчимиз Тамара Николаевна ҳар сафар банкка борганда «Вот, опять Шукуровские деньги поступили» деб келади. «Яшанг, Омон ака» деймизу, ичимизда Сурхондарёдаги кўпчилик корхона ва ташкилот раҳбарларига ҳамдардлик диларми, ҳарҳолда бўлак аҳволда у кишини ҳали бирон марта кўрганимиз йўқ. Бўлмаса, ҳар бандага буюргани иссиқ-совуқ кунларнинг кўпини у киши ҳам бошдан кечирган, буни яхши биламиз.

Кечаги сешанба куни эрталаб хонага киришимдан телефон жиринглади. Билдим-ки, Омон ака! «Омонолмадим». Тўғри-да, «Ўзингиз ҳақингизда мақола кетяпти» десам, у кишининг қон босими бўлса... Мени «хижолат»дан Омон аканинг ўзи қутқарди:

- Майли, эртага ўзим бораман. Бир баҳорлатиб Сурхондарёга келинглар дедим, келмадинглар, баҳор ҳам ўтди. Энди ўзим бориб олиб келаман шекилли ҳаммангизни...

Омон аканинг гапларини ҳаммага етказдим. Бирваракайига: «Омон ака омон бўлса, албатта борамиз-да» деб юборибмиз... Аммо касб байрамини биз билан «тадбирлаш» учун у одам Тошкентга албатта етиб келади. Омонлик бўлса, бас!

Мавлуда ҚОСИМОВА.

Вилоят мухбирларимиз ҳақида ҳикоялар

ОМОН АКА ҲОЛ СЎРАЙДИ...

Телекўрсатувлар маҳалла ҳамроҳи

ЭКРАНДА МАҲАЛЛА ЖОНКУЯРИ

«Ҳамшаҳарлар» кўрсатувининг муаллифи ва бошловчиси Шавкат Азизовни ҳамшаҳарларимиз жуда яхши танийдилар. Мана энди унинг муаллифлигидаги янги «Менинг маҳаллам» шоу-кўрсатувининг илк сони ойинаи жаҳон юзини кўргач, уни ҳақиқий маънода маҳалла жонкуяри деса бўлади. Аслида Шавкат Азизовнинг маҳалладошларнинг «ўз одами» бўлганига анча бўлган - 2000 йил Маҳалла куни арафасида «Ҳамшаҳарлар» кўрсатуви орқали маҳаллалар ҳаётини тўлақонли ифода этишга эришганлари учун Ўзбекистон оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг «Маҳалла жонкуяри» нишонини олган, у киши. Билишимизча, «Менинг маҳалларим» кўрсатуви ижодкорлари ва муаллифининг бугунги режалари ҳам каттадан-катта. Борди-ю, вилоятларимизнинг чекка маҳаллаларида ҳам суратдаги каби тасвирчию микрофон билан «қуролланган» «Маҳалла жонкуяри» пайдо бўлиб қолса ҳайрон бўлиб ўтирманг яна, маҳалладошлар.

«Азизим ... Дунё дея аталмиш азалий жумбоқнинг шодлигу қувончлари, қайғу ва андуҳлари ичра омон бормисиз, азизим? Бугун қошингизга яна бир бор турмушнинг каттакичик ташвишларидан бир зум бўлса-да чекиниб, қалбингизнинг, руҳиятингизнинг қўриқларидаги ҳали кашф этилмаган сўқмоқларга саёҳат қилишга чорлаш учун келдик, сизни азизим...»

Ёшлар телеканали орқали намойиш этиладиган Умида Усмонова муаллифлигидаги «Азизим...» кўрсатуви ҳар сафар шунга ўхшаш дилтортар сўзлар билан бошланади. Очиғи, муаллиф «Азизим» сўзининг хосиятидан фойдаланиб, мўлжални бехато олган. Муаллиф «Азизим» кўрсатуви орқали миллионлаб томошабинларнинг азиз кишисига айланиб улгурди. Тўғриси, биз камдан-кам ҳолларда бир-биримизга «Азизим» дея мурожаат қиламиз. Ҳатто кўнгилга яқин кишиларимиз ҳам биздан бундай лутфни бир марта ҳам эшитмаган чиқарлар, эҳтимол. Кимдир «азизим» дея мурожаат қилса ўзимизга ҳам хушёқмайдими? Албатта, ёқади! Мана, Умида Усмонова миллионлаб мухлисларни «Азизим»лаб ўзига маҳлиё қилиб юрибди-ку. Ўз ўрнида, миллионлаб одамлар Умида опани ҳам «Анави «Азизим» бор-ку» дея атамоқда...

Байрам арафасида биз Умидахоннинг ўзларидан ҳам «Азизим»часига ҳол-аҳвол сўраб қўймоқчи бўлдик.

«Азизим»... Оммавий ахборот воситалари деб аталмиш масъулияти улкан жабҳанинг шодлигу қувончлари, қайғу ва андуҳлари ичра омон бормисиз? Бугун сизни бир маротаба бўлса ҳам, у ҳам бўлса касб байрами муносабати билан кўрсатувни суратга олиш, монтаж қилиш, ташкиллаштириш, мавзу танлаш каби касбингизнинг «катта-катта» ташвишларидан бирозгина чекиниб, «Азизим»ингизнинг азиз мухлислари қалбидаги эзгу ниятларга дил уйингизнинг бир бурчагидан жой беришга чорлаш мақсадида сизни йўқладик...

АЗИЗИМИЗ, «АЗИЗИМ»

«Mahalla»чилар.

ОҚСОҚОЛДАН ИНТЕРВЬЮ

Республикамиздаги кўп сонли газеталар ичида «Mahalla» газетаси ҳам муштарийларнинг энг севимли газетасига айланиб қолди.

«Давр» ахборот-информацион кўрсатуви ходими Гулноза Муродова оқсоқол Э.Ғуломовдан интервью олмоқда.

Қадриятларимизнинг бешиги бўлган маҳаллаларимизнинг нуфузи ва аҳамияти ортиб борган сари бу газета Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг нашри сифатида диёримиздаги ўн мингдан ортиқ маҳалла ва уларда яшовчи барча фуқароларнинг кундалик ҳаётларида муҳим ўрин эгалламоқда. Унинг қайси бир сонини олиб ўқимайлик, кўпқиррали маҳаллалар ҳаётининг ҳар бир соҳаси бўйича ранг-баранг мавзулардаги қизиқарли мақолаларни ўқиб мамнун бўламиз. Айниқса «Қарияларни қадрлаш» йилида нуроний ва донишманд кексаларимизнинг ҳаётий тажрибалари ҳақида берилаётган қизиқарли ва сермазмун мақолалар ёшларимизни комил ва етук инсон этиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Умуман, «Mahalla» газетаси — бир мисрасини ҳам қолдирмасдан, зерикмай ўқийдиган газета десак муболаға бўлмайди.

Эркин ҒУЛОМОВ,
Республикада хизмат кўрсатган ёшлар устози.

Деярли бир ойдан буён ҳар куни ойнаи жаҳон орқали Жанубий Корея ва Японияда ўтаётган футбол жаҳон чемпионати учрашувларини томоша қиласиз. Аввалари ана шундай нуфузли мусобақалардан репортажларни ўзбекистонлик ишқибозлар асосан Россия телевидениеси орқали кузатишарди. Аммо бу сафар ўзимизнинг мутахассисларимиз қўшнилардан "ўзиб" кетишга муваффақ бўлишди. Ўзбекистон телевидениесининг "Ёшлар" телеканали чемпионатнинг барча учрашувларини тўлалигича намойиш қилишга эришмоқда.

"Mahalla" муштарийларига ўзининг турли мавзулардаги мақолалари билан яхши таниш бўлган Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ ойнаи жаҳон орқали олиб кўрсатилаётган репортажларни шарҳлаётганлардан бири эканлигини футбол мухлислари яхши билишади.

Қуйида фаол муаллифимиз М.ТЎХТАМИРЗАЕВ билан яна бир муаллифимиз Машҳурахон ТЎХТАМИРЗАЕВА уюштирган суҳбатини ҳавола қиламиз.

Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ:

"ФУТБОЛ ШАРҲЛАШДАН ЗЕРИКМАЙМАН"

-Сал кам бир ойдан бери футбол кўрсатувини шарҳлаяпсиз. Баъзи кунлари учта-тўртта учрашув ҳақида репортаж олиб боришингизга тўғри келди. Ростини айтинг, футбол жонингизга тегиб кетмадими?

-Ҳақиқий мухлис жаҳон чемпионатини нақ тўрт йил орзиқиб кутади. Кўзлари тўрт бўлиб кутганига етишган одам зерикмайди. Баъзилар битта фильмнинг ўзини бир неча маротаба томоша қилади. Футбол эса кутилмаган воқеаларга бой, ҳар сафар янги жумбоқларни олдингга кўндаланг қўяди. Бундай вазиятда футбол, айниқса, юксак савиядаги футбол кишини ўзига тортади, лекин бездирмайди.

-Бу соҳага қандай кириб келганингиз ҳақида икки оғиз сўз айтсангиз.

-Болаликдаги орзуларимдан бири ўзбек футбол шарҳловчилари мактаби асосчилари Ахбор Имомхўжаев ва Роман Турпишчевларга муносиб ўринбосар бўлиш эди. Марҳум Николай Озеров, Котэ Махарадзе, бошқа шарҳловчиларнинг репортажларини оддий томошабин сифатида эмас, балки мутахассис сифатида таҳлил қилишга интилардим.

-Шарҳловчиликни қандай қабул қилиш тўғри: бу оддий кундалик ишми ёки санъатми?

-Буниси шарҳловчининг ўзига боғлиқ. Агар томошабинни футбол санъати оламига етаклаб кирмоқчи бўлса, ўзи ҳам бевосита шунга лойиқ бўлиши зарур. Акс ҳолда телетомошабинни зериктириб, "ухлатиб" қўйиши ҳеч гап эмас. Мисол учун шарҳловчининг нутқини олайлик. Микрофон олдида ўтирган одам футбол майдонидаги воқеаларга бефарқ оҳангда, анча-анча сукут сақлаб, бир маромда, овозини кўтармай ҳам, туширмай ҳам гапирса, бироздан сўнг қизиқарли ўтаётган футбол ҳам "зерикарли" туюлади.

-Шарҳловчиларни қаерда тайёрлашади ёки танлашади?

-Афсуски, ҳозирча бирор бир ўқув юртида футбол шарҳловчилигига ўргатишмайди. Танлаш эса телевидениедаги мутасадди раҳбарлар ихтиёрида. Шу ўринда бир нарсага эътиборни қаратиш ўринли деб ўйлайман: уйда телевизор кўриб ўтириб, шарҳловчини ҳам, футболчини ҳам, ҳакамни ҳам истаганча танқид қилиш мумкин. Ўшалар ҳеч бўлмаса бирор марта футбол репортажи вақтида телевидениедаги шарҳловчининг "овозини ўчириб қўйиб", оддий аудиомагнитофонга ўз шарҳларини ёзиб кўришсаю, кейин эринмасдан ўз "шарҳ"ларини тинглашса. Менимча, микрофон олдида ўтирган одамнинг ҳолини сал бўлсаям тушунишармиди.

-"Устоз-шогирд" тушунчаси шарҳловчилар орасида бўлиши мумкинми?

-Бевосита менга сабоқ бермаган бўлсалар-да, Ахбор ака ни устозим деб атайман."Устоз-шогирд" деганда оддий тақлидни эмас, ишга, шарҳлашга муносабатни, услубни тушуниш тўғри бўлса керак. Масалан, Ахбор ака қанчалик тажрибали бўлишларига қарамай, эринмасдан навбатдаги материални тайёрлашга қунт билан муносабатда бўлишларига қойил қоламан.

-Мириқиб шарҳлаган ўйинингиз қайси?

-1999 йилнинг ноябрида Ўзбекистон терма командаси Бирлашган Араб Амирликларининг Ал-Айн шаҳрида Осиё кубоги саралаш мусобақасида иштирок этган. Гуруҳдаги учрашувларнинг барчасини Ахбор ака билан бевосита стадионда кузатиш бахтига муяссар бўлганмиз. Мезбонлар билан ҳал қилувчи учрашувни Тошкентга қайтганимдан кейин такроран эфирга узатилганда шарҳлаганман. Ана шу ўйин ҳозирча энг "мириқиб" репортаж олиб борган учрашувим бўлса керак. Умидим бор, ҳали терма жамоамизнинг юлдузли онлари албатта келади. Насиб этса, ўшанда Ўзбекистон терма командасининг жаҳон чемпионати финал босқичидан репортаж олиб борсам, ўзимни бахтиёр ҳис қилардим.

-Ёзиб олинган ўйин билан "жонли" ўйиннинг шарҳловчи учун фарқи борми?

-Чемпионлар лигаси учрашувларини аксарият ҳолларда "Интерфутбол" рукнида ёзиб олиб эртасига кўрсатамиз. Бунинг сабабларидан бири ўйин бизнинг вақтимиз билан жуда кеч бошланиши бўлса (Европадан 4-5 соат "илгарилаб" кетамиз-ку, ахир), иккинчиси томошабинимизга қизиқарли ўйинни намойиш қилиш истаги. Евгений Артишевский бошлиқ техник гуруҳ кечалари ухламай турли каналлардан имкони барча учрашувларни ёзиб олишади. Эртасига саралаб, эфирга узатамиз. Ўшандай вазиятларда намойиш қилишимиз мумкин бўлган баҳсни бевосита эфир вақтида кўрмасликка ҳаракат қиламан. Акс ҳолда қачон хавфли вазият бўлишини, қачон гол киритилишини билганим боис, шарҳни "мослаштириш"га беихтиёр уриниб қолиш ҳеч гап эмас.

ОРТ ва РТР каналлари жаҳон чемпионатидаги учрашувларнинг фақат бир қисмигина бевосита ўйин вақтида намойиш қилмоқда. Қолганларини ёзиб олиб, кейин эфирга узатишяпти. Табиийки, ҳақиқий мухлис бу пайтга келиб, натижадан хабар топиб улгуради.

-"Жонли эфир"да антиқа ҳодисалар ҳам бўлганми?

-Узоққа бориб ўтирмайлик, яқинда телемарказдаги кичик бир хато оқибатида учрашувнинг дастлабки дақиқаларида икки марта томошабинлар билан "саломлашдим", иккаласида ҳам овозим эфирга кетмабди. Учинчи марта саломлашишни эса унутибман.



-Шарҳловчининг техник ходимлар билан муносабати қандай бўлиши керак?

-Репортажни ижодий гуруҳ тайёрлайди ва эфирга узатади. Агар ана шу ҳалқада биргина "заиф бўғин" чиқиб қолса, ҳамманинг меҳнати куяди. Режиссёр ҳам, овоз режиссёри ҳам, бошқалар ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади.

-Сиз фақат футболни шарҳлайсиз. Бунинг сабаби нимада?

-Аслида, спортнинг яна бир қатор турларига жуда қизиқаман. Лекин асосий ишим бошқа бўлгани туфайли футболнинг ўзи билан чекланишга тўғри келади.

-Сўнгги йилларда "Ёшлар" телеканали орқали янги-янги шарҳловчилар фаолият кўрсата бошлашди. Улар ҳақида фикрингиз қандай?

-Хайрулло Ҳамидов ва Даврон Файзиевнинг энг яхши хислати футболни жон дилидан яхши кўришида деб биламан. Футбол ҳақидаги маълумотларни имкон қадар топишга, ўрганишга интилишади. Хайрулло ўтган йили терма командамизнинг саралаш учрашувларини шарҳлаганидан мухлисларнинг хабари бор. Ҳар ҳафта "Футбол плюс"ини кўплаб томошабинлар орзиқиб кутишади. У спорт газеталари билан ҳам ҳамкорлик қилади. Даврон энди илк қадамларини ташлаяпти. Ушбу жаҳон чемпионати вақтида унинг "жонли эфир"даги дебюти бўлди. Тажриба вақтисоати билан албатта келади.

-Шарҳловчи бўлиш истагида юрганларга қандай маслаҳат берардингиз?

-Кимки бирор мақсадга етишни жуда-жуда хоҳласа, албатта орзуси ушалади. Фақат бунинг учун чинакамига меҳнат қилиш зарур. Шунингдек, футболни жон-дилдан яхши кўриш керак. Қийинчиликдан қўрқмай интилиш лозим.

-Мухлисларингиз шарҳларингизни қандай қабул қилишади?

-Ҳаммага бирдай ёқишнинг иложи йўқ. Кимгадир бир шарҳловчи, яна кимгадир бошқаси кўпроқ маъқул келади. Кўча-кўйда, турли жойларда мухлислар билан учрашганда миннатдорчилик билдиришганда меҳнатимиз зое кетмаганидан севинамиз.

-Мабодо шарҳингиздан мухлисларнинг кўнгли тўлмаётганини сезиб қолсангиз, нима қиласиз?

-Холис танқид, дўстона маслаҳатни очиқ кўнгил билан қабул қилишга одатланганман. Қанча фикр-мулоҳаза бўлса, ўзимга билдиришсин, хурсанд бўлиб, раҳмат айтаман. Балки нима учун шундай йўл тутишимни тушунтира оларман...

-Сиз ўзингизни машҳур деб ҳисоблайсизми?

-Йўғ-э. Аммо бозорда ҳатто сотувчи аёллар ҳам танишгани ҳайрон қолдиради...Базида чойхонада ҳам хотиржам ўтира олмай қоламиз. Лекин ашаддий футбол мухлиси билан суҳбатлашганда ўзимиз ҳам мириқамиз.

-Футболни ҳаддан ташқари кўп кўраверганингиз оила аъзоларингизга халал беради, деб ўйлайсизми?

-Телевизор талашмаймиз, футболни аксарият ҳолларда ўғлим билан бирга томоша қиламиз.

-Жаҳон чемпионатининг республикамиз матбуотида ёритилиши ҳақида фикрингиз билан ўртоқлашсангиз.

-Интернет, бошқа манбалар, шу жумладан бизнинг репортажларимиз ёрдамида чемпионат анчайин кенг ва батафсил ёритилмоқда. Бу мухлисларни қувонтириши шаксиз. Фақат рус тилида чиқадиган "Спорт" газетамизнинг аввалги ҳафтадаги сонида футбол ҳақида бирор оғиз гап йўқлиги бир қатор ишқибозларни ҳайрон қолдирибди.

-Режаларингиз қандай?

-Асосийси, футбол ишқибозларининг кўнглига йўл топа олиш. Яна, ҳали айтганим, Миллий терма командамизнинг юксак натижаларни қўлга киритгани ҳақида репортаж олиб бориш.

«Mahalla» меҳмонхонаси

МАЖНУНТОЛ

Қатра

Бу Мажнунтолнинг ёши нечада экан?

Ўзининг ҳаёти давомида қанчадан-қанча севишганларни бағрига босиб юпатган экан, бу мажнунтол?



Қанчадан-қанча йигит-қизларнинг бахтли кунларию, изтиробларининг гувоҳи бўлган экан, ва яна қанчадан-қанча севишганларнинг сирли оҳларини ўзига сингдира олар экан, бу мажнунтол!?

Унинг танида севишган дилларнинг топишган ёки видолашган куни ҳақида белгилар бор...

Ёзда, ўзи жазирама иссиқдан толиқиб сув томон талпинса-да, севишганлардан соясини аямайди мажнунтол. Кузда, ўзининг кичик, тилла тангадек барглари билан ясаниб, келинчак каби кўзни яйратади. Қишда, ингичка қўллари билан ёнидан ўтган севишганларга тегажоғлик қилиб ўйнашади мажнунтол.

Баҳорда эса...
Қачон келади ўша баҳор!
Баҳорим, қаердасан!?
Тезроқ кел!
Сени мажнунтолинг кутаяпти!...

Азамат ТОИРОВ.

Самарқанд

Пастдарғом туманининг Фурқат номли маҳалласида ўтказилган давра суҳбати «Маҳалла - инсон қалбидаги меҳрни намоён этувчи маскандир» деб номланди.

Бир пиёла чой устида ўтказилган бу суҳбатни маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси Аминжон Бўронов, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими раҳбари А.Абдуҳакимов, Тожикистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, таниқли кинорежиссёри ва актёр Равшанбек

МЕҲР КЎРГАЗСАНГ, МЕҲР ТОПАСАН

Тўрабеков, «Нуроний» жамғармаси туман бўлимининг раиси Ш.Шомирзаев, МТП очиқ турдаги акциадорлик жамияти директори А.Мирзаев, 45- касб-ҳунар коллежи директори Х.Обрўев, уруш ва меҳнат фахрийларидан П.Степанов, Қ.Хайитов, У.Собиров, Х.Худаёрова, А.Асоновлар ушбу давра суҳбатида ўз фикр мулоҳазалари билан қатнашишди. Шоир Абдураззоқ Турдий янги машқларидан ўқиб маҳалладошлари даврасига файз киритди. Чиндан ҳам маҳалла қалбларни эзгу мақсад йўлида бирлаштиради, меҳрни меҳрга улайди. Хушнуд давралар, мулоҳазали йиғинлар эса маҳалладошларни бир жойга тўплаб, яхши ишларнинг бошланишига йўл очади. Пастдарғомнинг гўзал бир маҳалласида ўтказилган файзли суҳбатлар ҳам ана шундан далолатдир.

Раҳмат ОЛМОСОВ,
меҳнат фахрийси.

Муштарий илҳоми

«ШЕЪР ИНСОНГА УМИД БАҒИШЛАЙДИ»

дейди қашқадарёлик ижодкор Кўчқор Бекмуродов

У қарийб 30 йил Чироқчидаги мактабнинг бошланғич синфларида дарс берди. 1994 йилда пенсияга чиққанидан сўнг бироз хасталаниб қолди. «Тинимсиз шеърлар машқ қилганим туфайли менда ҳаётга умид уйғонди» дейди у. Кўчқор Бекмуродов ўтган йиллар давомида бир нечта шеърий тўпламлар чоп эттирди. Айни 67 ёшида ҳам бу инсон шеърлар машқ қилишдан тўхтагани йўқ. Қуйида қаламкаш шоирнинг янги машқларидан айримларини ўқийсиз.

ЮРАК

Беш йилим - беш қалъадек ўтди,
Ерга сингди мен ётган тўшак.
Дўстлар энди келмас, унутди,
Овунчим сен, бетиним, юрак!

Қаро тунлар ҳушёр ёримдай,
Босиқ тушган уйғотган ўзинг.
Ўзим севган рубоб торимдай,
Оқ саҳарлар суйлатган ўзинг.

Вужуд толди, сен-чи толмадинг,
Қолган тақдир Оллоҳга аён.
Юраккинам, сен содиқ қолдинг,
Насибдур бу ардоқли замон.

ТЎРТЛИК

Юлқаб олди қўлдан тилламни,
Пинак бузмай яшайвердим тинч.
Бироқ алдаб оғу ичирган,
Бир қитмирни унутолмам ҳеч.

ҲАЁТ ДОСТОНИ

Ҳаёт деган бир достон бор,
Жуда мушкул, мураккаб,
Нигоҳ етмас осмони бор,
Яшай билсанг ардоқлаб.

Минг бир синов, машаққатли,
Кунларини ёғдирар.
Гоҳи баҳор, гоҳ қаҳратон,
Аёзлари тойдирар.

Ўз осмонинг, ўз достонинг
Қолдиргай ўчмас изин.
Ҳаёт - сирли, кўп афсунгар
Барин уқмоқ бўлдим мен.

Кўчқор БЕКМУРОДОВ.

Эълон

Тошкент Давлат Юридик институти томонидан Наврўзова Мукаррамхон Рашидовна номига 1993 йил 30 апрелда берилган ЦВ 763877 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ФУТБОЛ ЖАМОАНГИЗ УЧУН

«Маҳалла» хайрия жамғармаси қошидаги «Маҳалла муруввати» корхонаси болалар футбол жамоалари учун футбол кийимлари ҳамда тўпларини арзонлаштирилган нархларда сотади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
136-05-25, 47-83-03.

-Жон опоқи, шу китобни менга беринг, анчадан буён қидириб юрган-дим.
— Нима, пистанинг ҳаммасини олмоқчимисан?!

Янгисидан бор...

- Ғам-ташвишингиз ғаҳамиша ҳамдард бўламан, - деди қиз севган йигитига.
- Менинг ҳеч қандай ташвишим йўқ.
- Шошилманг, менга уйлансангиз, кейин ташвиш ҳам топилиб қолади.

ТАҚВИМ

ЧЎЛПОН ОЙИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Шуни эътиборда тутингки, айни кунларда орттирадиган таниш-билишларингиз бир куни сизга жуда асқотиб қолишлари мумкин.

СИГИР(22.04 20.05)
Шу кунларда молиявий аҳволингизни анча яхшилаб олишингиз мумкин. Лекин жамғармангизни эҳтиёт қилишни ҳам унутманг.

ЗГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Келаси чоршанбагача юлдузлар Сизга муҳим бир учрашувни тахмин қилмоқдалар. Бу учрашувдан анча кўнглингиз кўтарилади.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Мўлжалланган ишларингизни омадли якунлайсиз, устига-устак дўстларингизнинг илтимосларини адо этишга ҳам улгурасиз.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Шу кунларда тузадиган режаларингизни албатта бирон дўстингиз, ҳамкасбингиз, ҳеч бўлмаса турмуш ўртоғингиз билан маслаҳат қилинг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Келаси чоршанбагача ишларингизни «йиғиштириб» туринг. Яхшиси, дўстларингиз таклифини рад этмай сафарга боринг, дам олинг.

ТАРОЗУ (23.09-22.10)
Яқин уч-тўрт кун ичида узоқ ерга хизмат сафарига бориш хусусида таклиф оласиз. Бориш-бормасликни моддий аҳволингиз ҳал этади.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Эртага каттагина хийла-найрангга дуч келасиз. Дам олиш кунларини осойишта ўтказиб олсангиз, фитна кимдан чиққанини билиб оласиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Шу кунларда атрофингиздагилар сизга хайрихоҳлар. Бундан фақат ўз фойдангизни кўзламанг, ҳамма билан самимий бўлинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01)
Агар иш қидираётган бўлсангиз, шу ҳафтада сизни қониқтириши мумкин бўлган иш берувчини учратасиз. Сиз уни ходим сифатида қониқтирсангиз бўлгани.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Асабингизни тинчлантириб олиш фурсати етди. Таътилга чиқмасангиз ҳам, дам олиш кунларида дўстларингиз билан албатта ҳордиқ чиқаринг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Ҳозир асосий эътиборингизни оила аъзоларингизга қаратсангиз, кейин бу эътиборнинг ширин меваларини тотийсиз.

ЖУДОНИМЛАР ТАБРИКИ

БИРИНЧИ ФИНАЛЧИ АНИҚ, ИККИНЧИСИГА ТАХМИНЛАР.

Шу кунга қадар кўпчилигимиз Корея терма командаси бош қаҳрамон ролини ижро этаётган эртак қачон тугашини "кутавериб" яшадик. Аввалига ҳаммамиз "Ҳа, энди, мезбонлар гуруҳдан нимчорак финалга чиқса нима қилибди" дедик. Кейин Италия терма командасига ачиниб, "бечора" деб қўйдик. Чорак финалда Испаниянинг ҳакамлар томонидан "бўғилгани"га ҳатто ажабланмадик ҳам.

Бироқ ярим финалда жаҳон чемпионатлари тарихида ўнинчи маротаба иштирок этган Германия термаси "Ким аслида ким?" деган саволга аниқ жавоб берди. Руди Фёллер шогирдлари аввалги учрашувдагидан фарқли равишда ҳимояга ўтиб олишмади. Учрашув давомида аксарият ҳолларда айнан Европа вакиллари ўйин тизгинини ўз қўлида сақлашга эришишди. Боз устига, бу сафар жамоалар тақдири шеъриятлик тажрибали ҳакам Уре Майер ихтиёрига топширилгани ҳам таъсирини ўтказди.

Иккинчи таймда кореялик ҳимоячилар бутун ўйин давомида илк маротаба қўпол хатога йўл қўйишди. Ана шу хато мезбонларга қимматга тушди. Михаэль Баллак кореялар дарвозасини ишғол қилаётганида унга фақаттина ёлғиз дарвозабон халақит беришга уринди, холос. Ягона гол немис футбол машинасини финалга олиб чиқди.

Бугун кўпчилигимизнинг ишончимиз Бразилия ва Туркия терма командалари баҳсига қаратилади. Турклар гуруҳдаги ўйин аламини олишадими? Бразилия бешинчи олтин медаллар томон яна бир муҳим қадамни ташлай оладими? Ҳасан Шошнинг бозори қизиганидан қизимоқда. Англиянинг "Арсенал", Францияннинг "Нант"и билан бир қаторда Италиянинг "Рома" ва "Ювентус" клублари уни ўз сафига таклиф этишмоқда.

Ҳозирча Туркияда Давала ва Шош номида кўприклар пайдо бўлгани ҳақида хабар олдик. Агар Шенол Гунеш командаси Бразилияни енгса, мамлакат бунга қандай муносабатда бўлади, айтиш мушкул.

Бугун давлат тасарруфидаги маҳкама ва корхоналарда ишловчилар учун Бош вазир Бюлент Эджевит томонидан иш куни фақат тушгача деб белгиланди. Ўйинни Японияда кузатиш учун Узоқ Шарққа мамлакат президенти етиб келиши кутилмоқда.

Умуман олганда, Корея ҳам, Туркия ҳам футболга бўлган муносабатни буткул ўзгартиргандан кейингина йирик муваффақиятлар қозона бошлади. Уларнинг футбол хўжалигини юритишга чемпионат якунлангандан сўнг батафсил тўхталармиз.

Ҳозир эса Бразилия термаси олдида бир қатор муаммолар пайдо бўлди.

Аввалги ўйин қаҳрамонларидан бири Рональдинью майдонидаги "қизил" карточка олиб четлатилгани туфайли ярим финалда иштирок эта олмайди.

Рональдо, ёдингизда бўлса, чорак финалда ўзини ёмон ҳис қилиб учрашувни охирига еткача олмаган эди. Шифокорлар етакчилардан бирининг дастлабки дақиқалардан ўйнаши ҳақида аниқ бир жавоб айта олишмаяпти.

Боз дарвозабон Марксеннинг машғулот вақтида жароҳат олгани терма жамоа бош мураббийи Сколарини ташвишга солмоқда.

Ривалдо командаларнинг биринчи ўйинидаги "масхарабозлиги" учун рақиблар ундан "қасд" олмасликлари умид қилмоқда.

MAHALLA

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таъназберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Сахифаловчи: Чарос Бакирова
Навбатчи: Мавлуда ҚОСИМОВА

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

Буюртма Г-526

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Топширилди- 00-20